

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАТОВ ЗОКИР ОЛЛОҚУЛОВИЧ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
БИЛАН ИННОВАЦИОН КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Саматов Зокир Оллоқулович

Саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион корпоратив хамкорлигини ривожлантириш.....4

Саматов Зокир Оллоқулович

Развитие инновационного корпоративного сотрудничества промышленных предприятий с высшими учебными заведениями.....30

Samatov Zokir Ollokulovich

Development of innovative corporate cooperation higher education institutions with industrial enterprises57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....61

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1187 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошқулов Абдуқодир Ҳамитович

иктисод фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Салимов Бахтиёр Таджиевич

иктисод фанлари доктори, профессор

Турдиев Абдулло Саъдуллаевич

иктисод фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019. I.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Г.Ж. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,(PhD), доцент

М.А. Махкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви шароитида жаҳон фани ва инновация фаолиятининг ютуқларидан кенг фойдаланиш жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш ва мамлакатнинг муносиб келажагини барпо этишнинг муҳим омили бўлиб бормоқда¹. Саноат корхоналари ва олий таълим муассасалари интеграциясини оширишнинг замонавий институционал механизмлари - CRADA (илм-фан ва саноат кооперацияси, АҚШ), VIC (таълимда инновацион технологияларни жорий этишга кўмаклашиш марказлари, Германия, Италия), Шеньжень (юқори технологияли ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш учун ихтисослашган зона, Хитой), JEI (АКТ ни ривожлантириш бўйича таълим ҳудуди, Франция) ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 193 мамлакат томонидан 2015 йилнинг 25 сентябрида қабул қилинган, 2030 йилга қадар амалга ошириш мўлжалланган барқарор тараққиёт мақсадларидан бири мамлакатларда мустаҳкам инфратузилма яратиш, инклюзив ва барқарор иқтисодиётни, инновацион ривожланишни таъминлашдан иборат деб тан олинган. Жамият ва давлат манфаатлари уйғунлиги шахснинг шаклланиши, ўз мақсад ҳамда манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолияти натижасида намоён бўлади.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларининг саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш борасидаги ташкилий-иқтисодий ва инновацион тадбирлар таркибида иқтисодиётнинг реал секторида олий таълим муассасалари билан интеграцион ҳамкорликни ошириш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада ривожланган мамлакатларда саноат корхоналарини замонавий ривожлантириш бўйича кадрлар тайёрлаш стратегияларини шакллантириш ва амалга оширишда таълим муассасалари билан интеграцион алоқаларни кучайтириш бозор талабларига мувофиқлаштиришнинг муҳим омиллари каби йўналишларда илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш моделига ўтиши шароитида саноат ишлаб чиқаришининг рақобатбардошлигини ошириш, интеллектуал ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштириш ҳамда таълимда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инновацион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали ривожлантириш тараққиётнинг асосий омилига айланмоқда”². Бу борада олий таълим

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этиш тўғрисида” ги ПФ-5264 сон фармони

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувдаги “Илм-фан ютуқлари Ватанимиз равнакига хизмат қилсин” нутқи. 30.12.2016 й.

муассасалари ва саноат корхоналари ўртасида инновацион-корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадқиқотларни ташкил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги фармонлари, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион фаолият ва инновацион ҳамкорликнинг назарий, меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий ва услубий масалалари турли мақсадлар, йўналишлар, тармоқ ва соҳалар, чунончи фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари кесимида турли хорижий мактаб вакиллари А. Новиков³, А.М. Кац, В.Н. Малькова, В.А. Макаренко⁴, С.Я. Бобоскин, Р.Ф. Голов, В.Я. Горфинкель, А.Г. Маховикова, В.Д. Секерин⁵, В.О. Калятин, В.Б. Наумов, Т.С. Никифорова, О.И. Кондрашова,

³Академик А. Новиковнинг фикрича, “Таълимнинг сифати деганда - меъёрий талаблар, ижтимоий эҳтиёжлар ва шахснинг эҳтиёжларига мос келадиган таълим натижаси даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими тушунилади”.

⁴Макаренко В.А. Современный словарь. В 2 т. – М., 2000.

⁵Бобоскин С.Я. Инновационный проект: Методы отбора и инструменты анализа рисков. Учебное пособие - М.: Дело АНХ, 2009. - 240 с.; Голов Р. Инвестиционное проектирование: Учебник. – М.: “Дашков и К”, 2010; Горфинкел В.Я. и др. Инновационный менеджмент. Учебник. – М.: “Вузовский учебник”, 2009; Маховикова Г. Инновационный менеджмент. Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010.

Секерин В.Д. Инновационный маркетинг: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2012.

И.Ф. Колонтаевская, Г. Лукичев⁶, Дж. Харрингтон, Ф. Раскина, А.Б. Балдина, В.М. Аньшин⁷, Н.Н. Лебедева⁸, N.P. Archer, F. Ghasemzadeh, A. Brooking, P. Board, S. Jones⁹ томонидан тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси саноатини модернизация қилиш ва саноат корхоналарида инновацион жараёнларни фаоллаштириш, таълимда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг кенг қамровли масалалари Р.Р. Абдураулов, Ш.Н. Зайнутдинов, Н.Р. Алимова, Г.Ж. Аллаева, З.Т. Гаибназарова, М.А. Маҳкамова, С.Н. Муратова, М.А. Икромов, Н.А. Ҳошимова, Н.А. Иминова, Б.Т. Салимов, Ш. Синдаров, М.Л. Турсунходжаев, А.С. Турдиев, И.С. Тухлиев, Т.З. Тешабаев, Д.Н. Рахимова, Г.Х. Разикова, А.М. Қодиров, А.Г. Шаробиддинов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганиб чиқилган¹⁰.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқотлар ўрганилаётган муаммога нисбатан тизимли ёндашувни акс эттирсада, бироқ уларда бугунги кунда мамлакатда саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда олий таълим муассасалари билан замонавий инновацион корпоратив ҳамкорликнинг интеграцион механизмларини амалга ошириш масалалари етарлича ўрганиб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170926232 «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеллектуал ҳамкорликни шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш» мавзусидаги илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион корпоратив ҳамкорлигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

⁶Калятин В.О., Наумов В.Б., Никифорова Т.С. Опыт Европы, США и Индии в сфере государственной поддержки инноваций. // Российский юридический журнал. 2011. № 1 (76). Экономика и право; Кондрашова О.И., Колонтаевская И.Ф. Зарубежный опыт инновационного развития вузов. Ж.: Альманах современной науки и образования, Тамбов: Грамота, 2013. № 11 (78). С. 91-93; Лукичев Г. В поисках эффективного взаимодействия высшего образования и работодателей // Экономика образования. 2005. №4. С. 5–21.

⁷Харрингтон Дж. Совершенство управления знаниями: пер. с англ. / Дж. Харрингтон, Воул / под науч. ред. А.Б. Балдина. - М.: РИА «Стандарты и качество», 2008. - С. 272.; Аньшин В.М. Инновационный менеджмент: Концепции, многоуровневые стратегии и механизмы инновационного развития: учебное пособие - М.,:Дело,. 2006.-584 с.

⁸Лебедева Н.Н. Институциональный механизм экономики: Сущность, структура, развитие. Волгоград: ВолГУ, 2002. – 231 с.

⁹Archer N.P., Ghasemzadeh F., Brooking A., Board P., Jones S. The Predictive Potential of Intellectual Capital, Volume 16, Issue 1-3. 1998.

¹⁰Абдураулов Р.Р., Алимова Н.Р., Аллаева Г.Ж., Маҳкамова М.А., Қодиров А.М., Қодиров У.М., Тухлиев И.С., Муратова С.Н., Мурадов Б.А., Разикова Г.Х., Шаробиддинов А.Г., Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона (на примере Сырдарьинской и Джизакской областей Республики Узбекистан): дисс д.э.н. - Т.: 1992; Турсунходжаев М.Л., Бурханов А.У., Хошимова Н.А., Якубов И.М. Разработка механизмов в реструктуризации промышленных предприятий (на примере приватизированных предприятий цветной металлургии). Монография. Т., 2012; Икромов М.А. Стимулирование роста эффективности производства в условиях рыночных отношений. Сборник научных трудов. ЛИЭИ. 1991; Хошимова Н.А. Экономика и менеджмент отрасли. Учебник. Ташкент, 2019.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитларида малакали кадрлар тайёрлаш стратегиясининг йўналишларини тизимли таҳлил қилиш;

олий таълим муассасаларининг саноат корхоналари билан интеграциясининг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш;

саноат корхоналарининг таълим муассасалари билан рақобатбардош кадрлар тайёрлаш борасидаги хорижий тажрибаларини қиёсий таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда саноат корхоналари ва олий таълим муассасалари интеграциясининг ҳуқуқий-меъриёв асосларини таҳлил қилиш;

фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ривожланишида инновацион фаолият ва корпоратив ҳамкорликнинг назарий асосларини такомиллаштириш;

саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан корпоратив инвестицион ҳамкорлиги самарадорлигини иқтисодий мезонлар асосида баҳолаш услубиятини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион корпоратив ҳамкорлигини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий жараёнлари (Сурхондарё вилояти олий таълим муассасалари мисолида).

Тадқиқотнинг предмети саноат корхоналари ва олий таълим муассасаларида корпоратив инновацион ҳамкорликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илмий-услубий ўзига хос хусусиятлари, инновацион ва интеграцион ҳамкорлик иқтисодий муносабатлари мажмуидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида умумлаштириш ва гуруҳлаштириш, қиёсий ва динамик таҳлил, SWOT, иқтисодий-математик моделлаштириш асбтракт-мантикий ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат корхоналарининг рақобат устунлигини бизнес марказ, технопарк, инновацион марказ, ахборот маслаҳат марказларини олий таълим муассасалари билан интеграцион тарзда манзилли ривожлантириш асосида ошириш асосланган;

саноат корхоналари ва олий таълим муассасалари инновацион корпоратив ҳамкорлигида “Инновация ва интеграция” қўшма марказини ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан интеграцион ҳамкорлигини мақсадли ривожлантирувчи ишлаб чиқариш цехи ва илмий-услубий лаборатория шаклидаги амалга ошириш ва фаолият натижаларини шартномалар асосида тижоратлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

минтақавий муаммолар ечими юзасидан олий таълим муассасалараро платформани яратиш ва “ишлаб чиқариш - фан интеграцияси”ни чуқурлаштириш асосида Сурхондарё вилояти саноат корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантириш имкониятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш ва технологик инфратузилмаларини ривожлантириш марказларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

бизнес инновацион, таълим ва илм-фан тизимининг асосий субъектлари ўртасидаги кооперацион алоқаларни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

инновацион фаолиятнинг ахборот, эксперт-консалтинг ва таълим инфратузилмаларини ривожлантириш имкониятлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган методологик ёндашув ва услубларнинг асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, иқтисодчи олимларнинг саноат корхоналари ва олий таълим муассасаларида инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича қарашларидан қиёсий фойдаланилганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган услубий аҳамиятга эга бўлган таклифлар саноат ишлаб чиқариши тизимида инновацион фаолиятни ривожлантириш, корпоратив ҳамкорлик ва фаолиятни иқтисодий баҳолаш услубиётини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда асослаб берилган таклиф ва тавсиялар маълум бир даражада саноат корхоналари ва олий таълим муассасаларида инновацион муҳитни шакллантириш, рақобатнинг кучайиши шароитида саноат корхоналарининг инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш, олий таълим муассасаларининг мазкур йўналишдаги фаолиятини мақсадли ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнида фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион корпоратив ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

саноат корхоналарининг рақобат устунлигини бизнес марказ, технопарк, инновацион марказ, ахборот маслаҳат марказларини ОТМлари билан интеграцион тарзда манзилли ривожлантириш бўйича илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, “O’ZBEKGIDROENERGO QURILISH” АЖ корхоналари, хорижий “PETROMARUZ UZBEKISTAN” МЧЖ инновацион фаолиятда ОТМлар билан инновацион марказлар, бизнес марказлар, ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этишда фойдаланилган (Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги №ЭК-677/13-14 сон, “O’ZBEKGIDROENERGO-QURILISH” АЖнинг 2020 йил 26 октябрдаги №03/1285 сон, “PETROMARUZ UZBEKISTAN” МЧЖ хорижий корхонасининг 2020 йил 30 сентябрдаги №UZB01-07/371D-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг жорий қилиниши натижасида Қурилиш вазирлигига қаршли корхоналарда илмий-техник ишланмалар кўламини 0,9 фоизга ва корхона рақобатбардошлик даражаси 2 фоизга,

“O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJ тизимидаги корхоналарда илмий-техник ишланмалар кўламини 0,9 фоизга ва корхона рақобатбардошлик даражасини 3 фоизга, “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонасида илмий-техник ишланмалар кўламини эса 0,8 фоизга корхона рақобатбардошлик даражасини 7,5 фоизга ошириш имконини берган;

саноат корхоналари ва олий таълим муассасалари инновацион корпоратив ҳамкорлигида “Инновация ва интеграция” кўшма марказини ташкил этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги корхоналари, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJ корхоналари ва “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонаси фаолиятида фойдаланилган (Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги ЭК-677/13-14-сон, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH AJнинг 2020 йил 26 октябрдаги 03/1285-сон, “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонасининг 2020 йил 30 сентябрдаги UZB01-07/371D-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётда жорий қилиниши натижасида товар ёки хизматлар бўйича бозоридаги улуши Қурилиш вазирлиги корхоналарида 3,4 фоизгача, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJ корхоналарида 4 фоизгача ҳамда “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонасида 12,8 фоизгача етказиш имконини берган;

саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан интеграцион ҳамкорлигини мақсадли ривожлантирувчи ишлаб чиқариш цехи ва илмий-услубий лаборатория шаклидаги амалга ошириш ва фаолият натижаларини шартномалар асосида тижоратлаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифдан Қурилиш вазирлиги, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJ корхоналари ва “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонаси фаолиятига жорий қилинган. (Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги ЭК-677/13-14-сон, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJнинг 2020 йил 26 октябрдаги 03/1285-сон, “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонасининг 2020 йил 30 сентябрдаги UZB01-07/371D-сон маълумотномалари). Мазкур марказнинг ташкил этилиши Термиз давлат университети ва Қурилиш вазирлигига қаршли корхоналар, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJ корхоналари ҳамда “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхоналари билан инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришни мос равишда 8,4 фоизга, 8,4 фоизга ва 8,7 фоизга ошириш имконини берган.

минтақавий муаммолар ечими юзасидан олий таълим муассасалариаро платформани яратиш ва “ишлаб чиқариш - фан интеграцияси” ни чуқурлаштириш асосида Сурхондарё вилояти саноат корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантиришда Термиз давлат университети билан илмий-техник ва инновацион корпоратив ҳамкорлик бўйича таклифлардан “PETROMARUZ UZBEKISTAN” MЧЖ хорижий корхонаси, Қурилиш вазирлиги ва “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJнинг Сурхондарё вилоятида жойлашган корхоналари фаолиятида фойдаланилган (Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги ЭК-677/13-14-сон, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” AJнинг 2020 йил 26 октябрдаги

03/1285-сон, “PETROMARUZ UZBEKISTAN” МЧЖ хорижий корхонасининг 2020 йил 30 сентябрдаги UZB01-07/371D-сон маълумотномалари). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши Термиз давлат университети билан илмий-техник ва инновацион корпоратив ҳамкорликни Қурилиш вазирлигига қарашли корхоналар билан 4,5 фоизга, “O’ZBEKGIDROENERGOQURILISH” АЖ корхоналари билан 4 фоизга ҳамда “PETROMARUZ UZBEKISTAN” МЧЖ хорижий корхонаси билан 4,8 фоизга ошириш имконини бериб, минтақавий ва ишлаб чиқариш муаммоларни муайян даражада ҳал этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари иккита хорижий ва иккита республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 5 та, хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 151 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Рақобатли бозор шароитларида ишлаб чиқариш корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион ҳамкорлигининг илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг ривожланишида инновацион фаолият ва корпоратив ҳамкорликнинг назарий асослари, саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион фаолиятини ташкил этишда илмий-услубий ёндашувлар, саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан интеграциясининг илмий методологик асослари, рақобатнинг кучайиши шароитида саноат корхоналарининг инновацион корпоратив ҳамкорлигини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг йўналишлари келтирилган.

Инновацион фаолият – бу ишлаб чиқаришни, унинг моддий-техника базасини янгилашга ва ривожлантиришга имкон берувчи янги ғоялар ва ишланмаларни яратиш, ўзлаштириш ва тадбиқ этишга қаратилган жараёнлар мажмуасидир. Инновацион фаолият ўз ичига маълум бир босқичли жараёнларни олади. Демак инновацион фаолият макон ва замонда юз берган ва юз бераётган, ўзининг моддий ва номоддий кўринишдаги ҳамда пулда

баҳоланадиган мулк шаклидаги пировард маҳсулига эга бўлган, бунга эришиш учун маълум сарф-харажатларни талаб қиладиган хўжалик фаолиятининг бир тури бўлиб ҳисобланади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, замонавий таълимда олий таълим муассасалари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятининг интеграцияси малакали мутахассис тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.


Саноат корхоналарида билан олий таълимнинг ижтимоий масъулияти шунчалик каттаки, бунда ҳар бир киши шундай ўзгарувчан меҳнат бозорида талабга жавоб беришига, ривожланаётган инновацион иқтисодиётда тўлиқ иштирок этишига ва шу билан ўз фаровонлиги ва жамият фаровонлигини таъминлашга имкон берадиган малакага ва ижтимоий кўникмаларига эга бўлиши талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг замонавий саноат дунёсига қўшилиш истаги ундан зудлик билан меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига мослаша оладиган олий таълим тизимини яратишни талаб қилади. Бунинг учун саноат корхоналари ва олий таълим муассасаларининг интеграцион фаолиятини ривожлантириш ва сифатли таълим хизматларини кўрсатишни рағбатлантирувчи мотивларни ривожлантириш зарур бўлади.

Бугунги кунда саноат корхоналари билан олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишдан мақсад – ҳозирги кунда замон талабига жавоб берадиган малакали лаёқатли кадрлар ва етук мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бунинг учун муаллиф саноат корхоналари билан олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини ташқи муҳитга мувофиқ ташкил қилишни тавсия қилади (1-расм).

Барча ривожланган мамлакатларда ривожланиш стратегияси олий ўқув юртларидаги олимларнинг иштирокига асосланади. Шу сабабли олий таълим муассасаларида ўқув-илм-фан мажмуанинг фаолиятини ташкил қилиш малакали кадрлар етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Оламшумул фан янгиликларининг 90 фойизи олий таълим муассасалари олимлари ва талабаларнинг иштироки ёки олий таълим муассасаларида олиб борилган ИТИ натижалари билан баҳоланади. Ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар олий таълим муассасаларининг олимлари ва талабаларининг иштироки билан ёки олий таълим муассасалари орқали амалга оширилади.

Бунинг учун аввало педагогик таълим беришнинг мураккаб механизмини яратиш лозим бўлади. Таълимда илм-фан мажмуаси аниқ мақсадлар асосида ташкил қилинади. Ўқув-илм-фан мажмуаси таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғловчи звено бўлиб ҳисобланади, бу кафолатланган ривожланишни англатади.



1-расм. ОТМ ва саноат корхоналари ҳамкорлиги¹¹

Олий таълим муассасаларида ўқув-илм-фан мажмуасини қуйидаги кўринишда ташкил этиш тавсия этилади (2-расм.). Бунда ўқув-илм-фан мажмуасининг мақсадлари ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:


¹¹ Манба: Муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган



2-расм. ОТМда ўқув-илм-фан мажмуасининг тузилиши¹²

Бунинг натижасида куйидаги самарадорликка эришиш мумкин (3-расм):

- ички академик алоқалар (ўзаро алмашилиш);
- профессор- ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг ишлаб чиқариш билан инновацион алоқалари шаклланади, халқаро илмий журналларда илмий мақолалар чоп этилади;
- меҳнат бозорида битирувчиларга талаб ортади;
- талабалар олдиндан иш жойларига ўзларини тайёрлайдилар;
- амалга ошириладиган лойиҳа ва хўжалик шартномалари асосида талабаларга стипендиялар ажратилади.



3-расм. Илм-фан, ОТМ ва ишлаб чиқаришнинг инновацион корпоратив хамкорлиги натижалари¹³

¹² Манба: Муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган

Шунингдек, ОТМларда илмий тадқиқот ишларининг йўлга қўйилиши назарий билимларнинг амалиёт билан боғланишига, корхоналардаги мавжуд муаммоларнинг илмий жиҳатдан ҳал этилишига, ўро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ва илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган профессор-ўқитувчилар ва талабаларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиришга олиб келади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион корпоратив ҳамкорлигини амалга ошириш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим тизимининг инновацион ривожланишини белгиловчи ташкилий-иқтисодий омиллар ва саноат корхоналарининг таълим муассасалари билан рақобатдош кадрлар тайёрлаш борасидаги миллий ва хорижий тажрибалар батафсил таҳлил қилиниб, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари илмий-услубий жиҳатдан баён этилган, ишлаб чиқилган эконометрик модель асосида Термиз давлат университетининг инновацион-корпоратив фаолияти тадқиқ этилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: “илмий-тадқиқот ва инновациялар фаолиятини рағбатлантириш, илм-фан ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопаркларни ташкил этиш каби долзарб масалалар таълим тизими ташкилотларининг устивор вазифалари сифатида белгиланган”.

Саноат корхоналарининг келгусида кадрлар тайёрлашга буюртмаларни шакллантириш жараёнида иштирок этиши, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиш, тармоқ учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш масалалари бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Олий таълим - илм-фан – саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликда узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртлари ва саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликда турли-туман муаммолар мавжуд. Гарчи олий ўқув юртлари ўзларининг битирувчиларини етук мутахассислар деб ҳисобласада, улар

¹³ Манба: Муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган

кўпинча иш берувчининг талабларига жавоб бера олмайди. Кўпгина мутахассислар бошқа мутахассисликлар бўйича ишлашига ёки қайта тайёрлаш курсларини ўташига тўғри келмоқда. Шундан келиб чиқиш билан айтиш мумкинки, саноат корхоналарининг ОТМ лар билан ҳамкорлиги масаласи долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Сўнгги йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш корхоналари мутахассисларни тайёрловчи ОТМ лар билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этиши мумкин. Бундай ҳамкорликни ишлаб чиқариш ва олий таълим ўртасидаги “вертикал интеграция” деб аташ мумкин.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда олий таълимни модернизациялаш жараёни маҳаллий амалиётга таълим, илм-фан ва бизнес интеграцияси тизимини татбиқ этиш йўли билан амалга оширилмоқда. Бундай интеграция дунёнинг кўпгина мамлакатларида муваффақиятли амалга оширилмоқда ва фақатгина мутахассислар тайёрлашнинг самарали модели сифатида эмас, балки ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ва ҳудудларини ривожлантириш учун инновацияларни татбиқ этувчи канал сифатида ҳам ўзининг самарадорлигини исботламоқда. Бу модель тадқиқот университетлари негизида қурилади. Бундай университетлар нафақат талабаларнинг янги билимларни олиши мумкин бўлган таълим маркази бўлиб қолмасдан - бу давлат ва иқтисодиёт малакали ишчи кучига эга бўлишига олиб келади - балки замонавий ишланмаларни татбиқ этувчи илмий марказга айланади.

Европа мамлакатларида ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган модель университет билимларининг анъанавий (классик) генератори вазифасини ўтаб келмоқда. Университетлар билим тарқатиш вазифасини АҚШ да XIX асрнинг иккинчи ярмида - жамиятнинг имтиёзсиз қатламлари учун олий таълим олиш имконияти пайдо бўлгандан кейин бажара бошладиганр. Бу таълим соҳасидаги туб ўзгариш бўлган. Кейинчалик, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб билим тарқатиш вазифаси янада муҳимроқ жиҳатлар билан бойитилган.

Стенфорд университетида “Силикон водийси” нинг пайдо бўлишига асос солган биринчи технопарк ташкил қилиниши муносабати билан билим тарқатиш иқтисодиётга илмий ғоялар ва инновацияларни киритиш билан тенглашган. Бу тадқиқот университет модели негизида амалга оширилган. Айнан у айрим ҳудудларнинг ва бутун мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши учун асос бўлган.

АҚШ да университет шаҳарчаларида илмий технопарклар ташкил этиш ва уларга инновацияларни тадбиқ этиш ғояси XX асрнинг 70-йилларида оммалашган ва кейинги 20 йил ичида жадал ривожланган. Янги ғоя билан “рухланган” мамлакатлар ичида Буюк Британия, Канада, Австралияни биринчилардан бўлган. Уларга Франция, Германия, Белгия, Нидерландия эргашган. “Илмий талвасалар” Осиё давлатларини ҳам қамраб олган. Ер юзининг шарқий қисмида 1980 йилларда илмий марказ ташкил этган биринчи мамлакат - Япониядир. Хитой, Гонконг, Жанубий Корея ва бошқа шарқий мамлакатлар ҳам Японияга эргашдилар.

Шубҳасиз, мамлакатларнинг турли хил тарихий, ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ҳам интеграция моделларининг бир қанча турларининг пайдо бўлишига олиб келган.

Бугунги кунда илм-фан соҳасида уч турдаги интеграция моделлари фарқланади. Кейинчалик йирик компаниялар даражасигача ўсиб борган кичик фирмалар сирасига “Эстман кодак”, “Гугл”, “Хьюлетт Паккорд” ва бошқалар киради. Ушбу фирмаларнинг университетнинг янги илмий ишланмаларига кира олиши уларга компаниянинг стратегик ривожланиши учун юридик, иқтисодий ва менежмент бўйича консултациялар олиш имконини беради. Интеграция моделининг ҳар иккала турида ҳам битирувчиларнинг талай қисми учун иш ўринларини излаш эҳтиёжи қолмайди. Бу эса ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши учун замин яратади.

Университет қошидаги техник лицензиялаш бўлими орқали битирувчилар шахсий кашфиётлари учун патент олишлари ва ундан келажакда даромадга эга бўлишлари мумкин. Интеграция моделининг ушбу тури кунчиқар мамлакатда пайдо бўлиб, Хитой, Гонконг, Жанубий Корея, Бразилия, Ҳиндистон каби мамлакатлар тамонидан ўзлаштирилган. Бу интеграцияда асосий ролни давлат эгаллайди. Бу моделни “Илм-фаннинг ривожини” дея таърифлаш мумкин. Инновация тадқиқотлари, илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилишни давлат ўз зиммасига олади. Давлат технологияларининг асосий буюртмачиси давлат бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот фаолиятининг асосий қисмини университетлар эмас, балки таълим билан шуғулланадиган миллий лабораториялар ўз зиммасига олади. Америка типидagi интеграциядан фарқли ўлароқ, бу типдаги интеграция ҳояси шундан иборатки, бунда миллий лабораториялар ва тадқиқот институтлари янги технологияларни ривожлантириш учун давлатдан ёки йирик бизнестан грантлар оладилар. Япон типидagi интеграцияга талабалар ҳам ҳисса қўшадилар. Талабаларга тадқиқот ўтказиш вазифаси берилади, ўқитувчи раҳбарлигида улар вазифани лабораторияда бажарадилар.

Аралаш интеграция шакли Германия, Франция, Белгия, Нидерландия, Финляндия ва бошқа Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Бу ерда асосий ролни одатда технопарк тузилмалари ўйнайди. Булар техник ёки илмий-тадқиқот парклари бўлиши мумкин, баъзан улар худди технополислар каби агломерацияларга айлантирилади, бироқ бу давлат манфаати учун эмас, илмий паркларнинг маъмурий фаолиятини яхшилаш учун қилинади, бу ерда давлат ўз зиммасига худди хусусий бизнес каби буюртмачи ролини олади ҳамда имтиёзли солиқ шароитларини яратади.

Европа усулида интеграциялашган университетлар (Буюк Британиядан ташқари), кўпинча Япония усулида интеграциялашган университетлар ҳам таълим бериш функцияни бажаради, ишлаб чиқариш ва технологик ишланмаларни ва уларни тижоралаштиришни асосий фаолият тури деб ҳисобламайди, лекин ҳамкорликка керакли ташкилотларни фаол тарзда жалб қилади.

Жамғармаларнинг маблағлари асосида ихтисослаштирилган илмий

марказларни ташкил этиш вариантлари ҳам мавжуд (Россиядаги “Сколково” модели). Ёки интеграциянинг бу типига университет қошидаги илмий-тадқиқот лабораториялари, университетларда фан ва таълим ўртасидаги кичик воситачилар сифатида чиқади.

Илғор тажрибаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳатто ўз интеграция типини яратган Япония ҳам ўзининг анъаналарини сақлаб қолиши учун бугунги кунда аста-секин Америка типига ўтмоқда. Бу тезлаштирилган интеграция типи ривожланаётган давлатларда илм-фанни ривожлантириш учун жуда зарур, аммо у маълум чегаралар билан чекланган. Бошқа томонлама эса, Европалик ҳамкасблар уларнинг ҳудудида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва маданий-тарихий вазият туфайли пайдо бўладиган хусусиятларни ҳисобга олиш билан кўпроқ Америка типидан мўлжал олган ҳолда иккала типни синтезлашга уринишмоқда.

Илғор хорижий тажрибаларнинг гувоҳлик беришича Ўзбекистонда ҳам, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш талабларидан келиб чиқиб, тамомила янги асосда замонавий технополис ёки технопарклар шаклидаги илмий марказларни шакллантириш илм-фан ва амалиётнинг ҳамкорлигини янги мотивацион асосга қўяди.

Вилоятни 2019-2030 йилларда ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб хусусан, 2030 йилга келиб 2019 йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 2 баробарга (23,0 трлн.сўм), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,3 баробарга (13,6 трлн. сўм), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 баробарга (8,5 трлн. сўм), қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробарга (12,1 трлн сўм), пудрат ишлари ҳажми 1,5 баробарга (4,0 трлн сўм), чакана савдо айланмаси 2 баробарга (16,9 трлн сўм), хизмат кўрсатиш ҳажми эса – 4 баробарга (18,6 трлн сўм) оширилади. Ушбу кўрсаткичларга эришишнинг асосий омиллари сифатида, муаллифнинг фикрича, қуйидагиларни кўриш мумкин (1-жадвал).

Кейинги вақтда мамлакатимиз вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида саноат соҳасида янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Дастурларда кўзда тутилган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан мажмуавий тарзда ҳамда самарали фойдаланиш ҳисобига мавжуд тафовутларни янада камайитириш имконини беради.

Сурхондарё вилоятида 2000-2019 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикасининг таҳлили вилоятнинг саноат салоҳиятини ҳамда саноат корхоналарини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли саноат ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, юқори технологияли замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобига 2000

йилда ялпи ички ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 163147.0 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йилда вилоят бўйича ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий ички маҳсулот ҳажми 21314.2 млрд. сўмни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Сурхондарё вилоятининг 2000-2019 йилларда саноат ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари¹⁴

Йиллар	Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ҳажми (млн.сўм)	Ҳудудлар бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суратлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)	Ҳудудлар кесимида истеъмол моллари ишлаб чиқариш (млн.сумда)	Ҳудудлар кесимида истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суратлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)
2000 й.	43092,3	107,9	25300,0	111,9
2001 й.	59978,3	104,1	32300,0	100,9
2002 й.	94204,7	113,1	42800,0	114,8
2003 й.	134411,7	104,3	48400,0	100,8
2004 й.	188913,1	112,3	63100,0	114,5
2005 й.	219083,3	104,2	62700,0	94,7
2006 й.	259167,3	109,2	82900,0	126,2
2007 й.	324650,8	109,6	97100,0	109,5
2008 й.	435746,6	109,9	131800,0	111,6
2009 й.	516320,5	108,9	157459,0	105,7
2010 й.	756378,0	112,8	290700,0	107,9
2011 й.	925783,5	107,9	363600,0	103,1
2012 й.	1101779,9	108,6	445500,0	105,8
2013 й.	1321362,1	107,3	537800,0	104,1
2014 й.	1615344,8	111,2	687700,0	114,0
2015 й.	1910700,0	110,0	942829,0	116,0
2016 й.	2200669,1	107,9	985229,0	119,4
2017 й.	2356406,6	100,5	1068428,8	97,0
2018 й.	3234655,0	128,1	1218043,0	101,5
2019 й.	4402766,5	109,3	1662513,9	111,9

Вилоят миқёсида ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ҳажмининг таҳлиллари шуни кўрсатдики 2000 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 92.8 минг. сўмни

¹⁴ Манба: Сурхондарё вилояти статистика давлат бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган.

ташкил этган бўлса, 2019 йилда жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 8062,6 млн. сўмни ташкил этмоқда ёки 86,9 маротабага ошган.

Хусусан, Бойсун туманида умумий қиймати 3,7 млрд. долларга тенг бўлган “Мустақилликнинг 25 йиллиги газ кони” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, унинг доирасида йилига 4 млрд.куб газ қазиб олинади ва қайта ишланади, шундан 289,0 минг тонна полипропилен, 211,0 минг тонна полиэтилен, 293,0 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилади ва шу тариқа 2500 дан зиёд янги иш жойлари ташкил этилади. Хусусан, биргина 2019 йилда умумий қиймати 5,2 трлн сўм бўлган 590 та лойиҳани амалга ошириш ва 10.7 мингта янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

2019-2030 йилларда импорт ҳажмини оптималлаштириш мақсадида, маҳаллийлаштириш Дастури доирасида жами 50 та импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Жумладан, Термиз шаҳрида 12 та, Бойсун туманида 4 та, Денов туманида 5 та, Ангор, Жарқўрғон, Кумкўрғон ва Шўрчи туманларида 2 тадан, Қизирик, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз ва Узун туманларида 3 тадан лойиҳалар амалга оширилади ва йилига 333,6 млрд. сўмликдан ортиқ импорт ўрнини босувчи маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари яратилиши режалаштирилган бўлиб, буларнинг барчаси саноат корхоналари билан ОТМлар ҳамкорлигини янги поғоналарга кўтарилишига имконият яратади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан инновацион корпоратив ҳамкорлигини ривожлантиришининг устивор йўналишлари**» деб номланган учинчи боби ушбу мавзу бўйича олинган натижаларнинг таҳлилига бағишланган. Бу бобда технологик модернизациялаш шароитларида саноат корхоналарининг таълим муассасалари билан корпоратив ҳамкорлиги ва бу ҳамкорликнинг рақобатбардошликнинг ортишига таъсири, саноат корхоналарининг олий таълим муассасалари билан корпоратив инвестицион ҳамкорлиги самарадорлигини иқтисодий мезонлар асосида баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ва прогнозлаштириш тадқиқ қилинган.

ОТМ факультетларида инновацион фаолият ва саноат ишлаб чиқариш корхоналари билан инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантириш, унинг ҳажми, кўлами ва сифатини баҳолаш мақсадида SWOT таҳлил амалга оширилди. Мазкур таҳлил усулининг моҳияти ва аҳамияти шундан иборатки, унда кафедраларнинг инновацион корпоратив ҳамкорлик фаолиятини ривожлантиришга таъсир қилувчи барча омиллар 4 та гуруҳ кесимида тизимлаштирилди:

- *Strengths (кучли тамонлар);
- *Weaknesses (заиф тамонлар);
- *Opportunities (имкониятлар);
- *Threats (таҳдидлар).

Хўш, инновацион фаолият ва инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришда кафедранинг кучли ва заиф томонлари қайсилар, бу

борада кўрсаткичлар қандай ва уларни қайси кўрсаткичлар бўйича аниқлаш ва баҳолаш кўпроқ маъқул бўлади? Бизнинг назаримизда, кафедраларнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- кафедрадаги ўқитувчилар ва ходимлар сони;
- кафедра ўқитувчиларининг илмий салоҳияти;
- кафедра ўқитувчиларининг амалий кўникмалари ва тажрибаси;
- кафедра ходимларининг ҳамкорликдан манфаатдор бўлган ташкилотларнинг ишончи ва ҳурматига сазоворлиги;
- кафедрада илмий-амалий мактабнинг борлиги ва унинг жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги;
- кафедра ходимларининг ёши, куч-қуввати, қизиқувчанлиги, ташаббускорлиги (креативлиги) ва ҳоказолар.

Одатда ходимларининг сони унчалик кўп бўлмаган кафедралар инновацион корпоратив ҳамкорлик қилиш учун етарлича имкониятларга эга бўлмайди. Аксинча, ходимларининг сони катта бўлган кафедраларда бундай имкониятлар улкан. Шу сабабли кафедраларни кенгайтириш, яъни кўп сонли олимлар ва юқори салоҳиятга эга бўлган ходимларни интеграциялаш инновацион корпоратив ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Бўлимларнинг инновацион корпоратив ҳамкорлиги муносабатларининг янада ривожланишини таъминлаш мавжуд кўплаб ички ва ташқи имкониятлардан тўғри ва ўз вақтида фойдаланишни талаб қилади. SWOT–таҳлил усулини таълим жараёнида қўллаш ғоялар, жараёнлар, тажриба ҳамда иш натижаларини таҳлил қилиш, билимларни бирлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, таҳлилий фикрлашни ривожлантириш орқали муаммоларни ҳал қилиш йўллари топиш имконини беради.

Шундай қилиб, ОТМ кафедраларининг инновацион корпоратив ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича юқорида изоҳи келтирилган SWOT-таҳлили бизга уларнинг кучли ва заиф томонларини, ички ва ташқи имкониятлари ҳамда таҳдидларни тизимлаштириш имконини беради. Ушбу SWOT-таҳлили натижалари 4-расмда келтирилган.

Инновацион корпоратив ҳамкорлик қилишда кафедра профессор ўқитувчиларининг нафақат илмий салоҳияти, балки уларнинг амалий кўникмалар ва тажрибаларга эгаллиги ўта муҳимдир. Чунки, муаммони фақат илмий томондан билиш етарли эмас. Унинг амалий жиҳатларини ҳам чуқур тушуниш, бевосита корхоналарда қўллаш тартиблари ҳамда нима беришини аниқ кўрсата билиш ҳамкорлар учун ўта муҳимдир. Шу боис, ҳам олимлар, ҳам амалиётчилар сифатида тан олинган кафедралар профессор-ўқитувчилари инновацион корпоратив ҳамкорликни амалга оширишда кучли роль ўйнайди. Кафедраларда амалий кўникмаларнинг етарли эмаслиги инновацион корпоратив ҳамкорликни кенг кўламда ривожлантиришга, табиий равишда, имкон бермайди.

Кафедраларнинг инновацион корпоратив ҳамкорлик фаолиятини янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи ташқи имкониятлардан бири бу

ушбу фаолиятни амалга оширилишини давлат сиёсатига айланганлиги, уни давлат томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётганлиги, чунончи, солиққа тортиш бўйича турли имтиёзларнинг берилаётганлиги ҳисобланади.

<p style="text-align: center;">Кучли томонлари S</p> <p>Кафедра профессор ўқитувчилари ва ходимлари сонининг кўплиги;</p> <p>Кафедра профессор ўқитувчиларининг илмий салоҳиятининг нисбатан юқорилиги;</p> <p>Кафедра профессор ўқитувчиларининг илмий кўникмалари ва тажрибасининг мавжудлиги;</p> <p>Кафедра аъзоларининг ҳамкорликга қизиқишга бўлган ташкилотлар томонидан ҳурмат эҳтиромга ва ишончга сазаворлиги;</p> <p>Кафедра илмий амалий мактабининг мавжудлиги ва уни жамоатчилик томонидан тан олинганлиги;</p> <p>Кафедрада ёш, шижоатли, қизиқувчи, ташаббускор (креатив) характерли ходимларнинг борлиги ва бошқалар.</p>	<p style="text-align: center;">Кучсиз томонлари W</p> <p>Кафедрада юқори илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар сонининг камлиги;</p> <p>Кафедра ўқитувчиларининг амалий кўникмалари ва тажрибасининг пастлиги;</p> <p>Кафедра ходимларининг ҳамкорликдан манфаатдор бўлган ташкилотлар томонидан ҳурмат-эҳтиромга ва ишончга сазавор эмаслиги;</p> <p>Кафедрада илмий-амалий мактабнинг мавжудлигига қарамасдан, унинг жамоатчилик томонидан юқори даражада тан олинмаганлиги;</p> <p>Кафедрада ёш, шижоатли, қизиқувчи, ташаббускор (креатив) характерли ходимларнинг етишмаслиги.</p> <p>Инновациялар ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш имкониятларининг нисбатан чекланганлиги;</p> <p>Инновациялар ва инновацион корпоратив ҳамкорлик борасида рағбатлантиришни кучли тизимининг мавжуд эмаслиги.</p>
<p style="text-align: center;">Имкониятлар O</p> <p>Инновацион корпоратив ҳамкорлик фаолияти олиб борилишининг давлат сиёсатига айланганлиги;</p> <p>Инновацион корпоратив ҳамкорлик фаолиятининг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қуватланаётганлиги, чунончи, солиққа тортиш бўйича турли имтиёзларнинг берилаётганлиги;</p> <p>Инновацион корпоратив ҳамкорлик қилишга қизиқувчи ва манфаатдор бўлган ҳамкорларнинг кўплиги ва турли туманлиги;</p> <p>Катта миқдорда ва кўламда инновацион корпоратив ҳамкорларни танлаш имкониятининг мавжудлиги;</p> <p>Инновацион корпоратив ҳамкорлик турлари ва йўналишларининг кенгайиб бораётганлиги;</p> <p>Инновацион корпоратив ҳамкорлик борасида илғор хорижий тажрибаларнинг мавжудлиги ва уларни ўрганиш бўйича стажировкаларни ўташ имкониятларини пайдо бўлганлиги.</p>	<p style="text-align: center;">Хавф-хатар T</p> <p>Халқаро миқёсда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирозларнинг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётига таъсири;</p> <p>Инновацион ҳамкорларнинг банкротга учраши;</p> <p>Инновациялар ва инновацион лойиҳаларнинг ўз долзарблигини тез йўқотиши;</p> <p>Ташаббускор олимларни ички ва хорижий рақобатчилар томонидан ўзига жалб этиш ҳолатларининг кўпайиши;</p> <p>Кафедрада ҳамкорлик руҳи ўрнига бефарқлик ва инертлик ҳолатини ҳукм суриши;</p> <p>Кафедра профессор-ўқитувчиларининг инновацион ҳамкорлик фаолиятига нисбатан бефарқлик муносабатларининг мавжудлиги ва бошқалар.</p>

4-расм. SWOT–таҳлил усулини таълим жараёнида қўллаш¹⁵

¹⁵ Манба: Муаллиф тамонидан ишлаб чиқилган

ОТМлар томонидан инновацион корпоратив ҳамкорлик шартномалари асосида бажарилаётган ИТИ, ТКИлардан тушган тушумларнинг солиқлардан озод этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Тадқиқот объекти сифатида олинган Термиз давлат университети фаолиятининг саноат корхоналари билан корпоратив ҳамкорлигининг ривожланишини баҳолашда қуйидаги омиллар танлаб олинди:

